



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 июнь, № 127 (9298)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАМАНГАНДА ИМКОНиятлар аниқ лойиҳаларга, янги иш ўринлари ва қўшилган қийматга айлантирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда турли соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳалар ва жорий қилинган илғор ечимлар билан танишиш мақсадида ташриф билан Наманган вилоятида бўлди.



Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи, энг аввало, инсон қадри ва шаънини улуғлаш, элимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини янада яхшилаш, шаҳар ва туманларнинг мавжуд ресурс ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт ҳамда инфраструктура билан ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йил 16-17 сентябрь

кунлари Наманганга ташрифи чоғида салмоқли лойиҳалар билан танишиб, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик, саноят, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини юксалтириш борасида долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Утган давр мобайнида мазкур топшириқлар асосида олиб борилган амалий ишлар на-

тижасида Наманган кўплаб жабҳаларда ўз ўрнини топди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга бу сафарги ташрифи Наманган халқаро аэропортида барпо этилаётган янги йўловчи терминали қурилишини кўздан кечиришдан бошланди.

Мамлакатимизда транспорт инфраструктурасини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Наманган халқаро аэро-



портини кенгайтириш лойиҳаси ҳам ана шу ишлорларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Мазкур қурилиш ишлари давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 мартдаги "Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Наманган халқаро аэропорти

1971 йилда фойдаланишга топширилган. 2013 йилдан халқаро мақомда фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда аэропорт орқали 9 та авиакомпания мунтазам парвозларни амалга оширяпти.

Лойиҳага жами 175 миллион доллар инвестиция жалб қилинган. Режага кўра, 2026 йил якунига қадар замонавий талабларга жавоб берадиган янги йўловчи терминали ишга туши-

рилади. Майдони 22,6 минг квадрат метр бўлган уч қаватли терминал соати 1,2 минг нафар ва йилига 3 миллион нафардан зиёд йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Бу эса аэропортнинг ҳозирги қувватини бир неча баробар оширади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бетақор Ўзбекистон заминидида учинчи бор ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжуманида дунёнинг турли қитъа ва мамлакатларидан ташриф буюрган таникли санъат ва маданият намояндаларини кўриб турганимдан мамнунман.

Санъат — қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият кўпригидир деб бежиз айтилмаган. Шу маънода, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман — мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган жаҳон саҳнасида айланаб бормоқда.

Бугунги тадбиримизда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Туркий оқсоқоллар кенгаши, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, чет давлатларнинг маданият вазириларини ҳамда мухтарам элчилари, 80 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг 250 га яқин давлати ва санъат вакиллари иштирок этаётгани анжуманимизга алоҳида фойз ва шукҳ бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, узок-яқин юртлардан ташриф буюрган азиз меҳмонларимизга ўзимнинг самимий миннатдорчилигини билдираман.

Янги Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистон заминидидаги ҳар бир туман, ҳар бир вилоят, ҳар бир ҳудуд ўзига хос санъати ва маданияти, қадрият ва аънаёлари, машҳур ижодкорларига эга. Бугунги анжуманимиз ўтаётган сўлим ва гўзал Наманган диёри ҳам ана шундай табарруқ маскандир. Наманган ўзининг тадбиркорлари, обод шаҳар ва қишлоқлари, саноят, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, санъат ҳамда спортдаги ютуқлари, билим-ли ва шижоатли ёшлари билан алоҳида эътирофга лойиқ.

Шу кунларда ушбу файзу тароватли заминда юксак даражада ташкил этилган, бутун дунёга машҳур 65-халқаро Наманган гуллар фестивали шоду хушрамлиқ билан давом этмоқда. Ва мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, бутун халқимизни, барча

нафосат шайдоларини хурсанд қилаётган ана шундай улкан байрам билан сиз, азизларни — меҳнатқаш ва миришқор, оққўнгил, пок ниятли Наманган аҳлини яна бир бор самимий табриқлайман.

Мазкур фестиваль Янги Ўзбекистон шароитида оддий гуллар кўргазмасидан халқаро миқёсда эътироф этилаётган катта маданий ҳодиса, ўзига хос миллий бренд даражасига кўтарилганини биз нафақат Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар самараси сифатида қабул қиламиз.

Бугунги кунда кўркам чаманзорга айланган Наманган диёрида жорий йилнинг ўзида 150 миллион тулдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилгани ва бу натижа халқаро миқёсда тан олинди, "Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритилгани ҳам томонлама эътибор ва таҳсинга сазовор, ибрат олишга арзийдиган воқеа, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Минг раҳмат сизларга, қўларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин!

Азиз юрдошлар!

Наманган буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб, Нодим, Фазлий, Мажзуб Намангоний, Сўфизода, Ибрат, Усмон Носир, Чустий, Ҳабиб Саъдулла каби атоқли сўз санъаткорларини камолга етказган саховатли заминдир. Бу улуг зотлар қаторида миллий мусиқа маданиятимиз ривожига ўчмас из қолдирган Рўзиматхон Исабоев, Ваҳобжон Абдуллаев, Маҳмуджон Муҳаммедов, Эргаш Йўлдошев, Саиджон Калонов, Турсуной Мамедова, Камолитдин Раҳимов, Ҳабиба Охунова, Ўринбой Нуралиев, Ҳадия Юсупова, Жўраҳон Раҳимов сингари эл таниган ҳофизлар, созанда ва бастакорларнинг номларини бугун ҳам ҳурмат билан тилга оламиз.

Ушбу ўлмас сиймоларнинг бой ижодий мероси янги-янги санъаткорлар авлоди учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

UNESCO томонидан Инсониятнинг номдодий маданий мероси рўйхатига киритилган мақом нақадар буюк ва ноёб санъат эканини барчамиз яхши биламиз ва халқаро ҳамжамиятнинг бундай эътирофини юксак қадрлаймиз. Зеро, мақом бу оддий мусиқа эмас. Мақом — миллиятнинг хотираси, халқнинг қалби ва асрлар оша янграб келаётган маънавий овози. Унда аж-

додлар ҳикмати, орзу-умидлари, дарди ва қувончи мужассам, десам, ўйламанки, фикримга қўшиласиз.

Юртимизда ўтказилаётган учинчи Халқаро мақом санъати анжуманининг асосий мақсади — ана шундай ноёб меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, келгуси авлодларга безавол етказишдан иборат.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда мақом санъати нуфузини миллий ва халқаро миқёсда янги босқичга кўтариш маданий соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугун нафақат мақом ижрочилиги, балки унинг назарий асослари ҳам чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Комил Хоразмий, Абдурауф Фиррат, шунингдек, Юнус Ражабий, Файзулла Караматов, Исоҳқ Ражабов каби алломаларнинг илмий асарлари, мақомшунослик аънавалари давом эттирилмоқда.

Мақом санъатининг назарий, тарихий ва фалсафий масалаларини ўрганадиган махсус илмий кенгашлар фаолияти янги босқичга олиб чиқилмоқда. Биз соҳада юксак билим ва малакага эга кадрларни тарбиялаш вазифасига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада "мусиқа мактаби — ихтисослашган мактаб — олийгоҳ" тизими йўлга қўйилгани ёшларимизнинг аниқ дастурлар асосида узлуқсиз таълим олишига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда маданият ва санъатнинг 21 та йўналишида, хусусан, мақом бўйича ҳам ижодий бирлашма ташкил қилдик. Ушбу бирлашмалар жамиятимизнинг энг куйи бўғини бўлган маҳаллада бошлаб ижодкор ёшларни топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини юзага чиқаришга кўмак беради. Эндилқда ёш мақомчиларнинг ижодида янги нафас олиб кириш учун ҳар бир маҳалла, туман, вилоят ва республика миқёсда танловлар ўтказамиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги вақтда "Шашмақом" дурдоналари, Фарғона — Тошкент ва Хоразм мақомларининг ўрганилмаган матнлари ҳамда ноёб ижро услублари қайта тикланмоқда. Айни йўналишда йирик илмий ва академик нашрлар, овозли архивлар тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ҚАЛБЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида учинчи Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари, хорижий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндаларини кўтлаб, мақом санъати қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият кўприги эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган муҳим халқаро майдонга айланиб бормоқда.

Тадбирда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг маданият вазирилар, элчилар, 80 дан ортиқ давлатлардан 250 га яқин маданият ва санъат вакиллари иштирок этмоқда.

Президентимиз анжуманнинг бу галги манзили бўлган Наманган диёрининг ўзига хос маданияти, санъати, меҳнатқаш ва бунёдкор халқи ҳақида алоҳида тўхталди. Буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб, Нодим, Фазлий, Мажзуб Намангоний, Сўфизода, Ибрат, Усмон Носир, Чустий каби ижодкорлар, шунингдек, миллий мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ҳофиз, созанда ва бастакорларнинг бой мероси ҳурмат билан тилга олинди.

Шу кунларда Наманганда 65-халқаро гуллар фестивали ҳам юксак савияда ўтаётгани қайд этилди. Ушбу фестиваль Янги Ўзбекистон шароитида оддий гуллар кўргазмасидан халқаро миқёсда эътироф этилаётган катта маданий ҳодиса ва миллий бренд даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Жорий йилда Наманганда 150 миллион тулдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилиб, бу натижа халқаро миқёсда тан олингани ва "Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритилгани эътироф этилди.

Президентимиз мақом санъатининг миллий ва жаҳон маданиятидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари, хорижий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндаларини кўтлаб, мақом санъати қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият кўприги эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган муҳим халқаро майдонга айланиб бормоқда.

Тадбирда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг маданият вазирилар, элчилар, 80 дан ортиқ давлатлардан 250 га яқин маданият ва санъат вакиллари иштирок этмоқда.

Президентимиз анжуманнинг бу галги манзили бўлган Наманган диёрининг ўзига хос маданияти, санъати, меҳнатқаш ва бунёдкор халқи ҳақида алоҳида тўхталди. Буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб, Нодим, Фазлий, Мажзуб Намангоний, Сўфизода, Ибрат, Усмон Носир, Чустий каби ижодкорлар, шунингдек, миллий мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ҳофиз, созанда ва бастакорларнинг бой мероси ҳурмат билан тилга олинди.

Шу кунларда Наманганда 65-халқаро гуллар фестивали ҳам юксак савияда ўтаётгани қайд этилди. Ушбу фестиваль Янги Ўзбекистон шароитида оддий гуллар кўргазмасидан халқаро миқёсда эътироф этилаётган катта маданий ҳодиса ва миллий бренд даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Жорий йилда Наманганда 150 миллион тулдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилиб, бу натижа халқаро миқёсда тан олингани ва "Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритилгани эътироф этилди.

Президентимиз мақом санъатининг миллий ва жаҳон маданиятидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари, хорижий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндаларини кўтлаб, мақом санъати қалбларни бирлаштирадиган, одамларга эзгулик улашадиган маънавият кўприги эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юртимизда доимий тус олган ушбу анжуман мақом санъатининг умумбашарий нуфузини оширишга хизмат қилаётган муҳим халқаро майдонга айланиб бормоқда.

Тадбирда UNESCO, ICESCO, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ, Туркий Парламент Ассамблеяси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг маданият вазирилар, элчилар, 80 дан ортиқ давлатлардан 250 га яқин маданият ва санъат вакиллари иштирок этмоқда.

Президентимиз анжуманнинг бу галги манзили бўлган Наманган диёрининг ўзига хос маданияти, санъати, меҳнатқаш ва бунёдкор халқи ҳақида алоҳида тўхталди. Буюк шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб, Нодим, Фазлий, Мажзуб Намангоний, Сўфизода, Ибрат, Усмон Носир, Чустий каби ижодкорлар, шунингдек, миллий мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ҳофиз, созанда ва бастакорларнинг бой мероси ҳурмат билан тилга олинди.

Шу кунларда Наманганда 65-халқаро гуллар фестивали ҳам юксак савияда ўтаётгани қайд этилди. Ушбу фестиваль Янги Ўзбекистон шароитида оддий гуллар кўргазмасидан халқаро миқёсда эътироф этилаётган катта маданий ҳодиса ва миллий бренд даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Жорий йилда Наманганда 150 миллион тулдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилиб, бу натижа халқаро миқёсда тан олингани ва "Гиннесснинг рекордлар китоби"га киритилгани эътироф этилди.

Президентимиз мақом санъатининг миллий ва жаҳон маданиятидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

Президентимиз мақом санъатининг миллий ва жаҳон маданиятидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

Ў.А.

ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



Олий Мажлис Сенати қўмиталарида қатор қонунлар муҳокамаси бўлиб ўтди. Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя, ёнгин хавфсизлиги ҳамда саноат хавфсизлиги соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган бир неча қонун муҳокама марказида бўлди.

Сенат қўмиталарида

Қўмита аъзолари дастлаб “Ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимларнинг) ва улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни кўриб чикди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ҳар бир фуқаро қариганда, меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганда, ишсиз қолганда ёки оиласининг асосий боқувчисидан маҳрум бўлганда давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга. Мазкур конституциявий кафолатлар ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳодимлари ва уларнинг оила аъзоларига ҳам тўлиқ татбиқ қилинади.

Қонун билан хизмат йиллари учун пенсия, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, шунингдек, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари аниқ белгилан берилмоқда. Шу билан бирга, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий

хизматчилар ва ҳодимларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланмоқда.

Қўмита мажлисида “Ёнгин хавфсизлиги тизими такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкни ишончли муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ёнгинлар билан боғлиқ аянчли ҳодисалар ҳамон кузатилмақда. Хусусан, 2025 йилда республика бўйича 11 241 та ёнгин ҳолати қайд этилган бўлиб, улар оқибатида 129 нафар фуқаро турли дара-

жада жароҳат олган ва 82 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган.

Қонун инсон ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, мол-мулк дахлсизлигини таъминлаш, ёнгинларнинг олдини олиш бўйича замонавий ва таъсирчан механизмларни жорий этиш, шунингдек, соҳада барча субъектларнинг масъулиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятlidir.

Янги таҳрирдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг муҳим жиҳати шундаки, унда хавфли ишлаб чиқариш объекти билин бир қаторда потенциал хавфли объектлар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш доирасига киритилаётди. Жумладан, лифтлар, эскалаторлар, аттракционлар, юк кўтариш механизмлари, хавфли юк ташин симиғлари ҳамда шамол электр станциялари каби объектлар илк бор қонун даражасида қамраб олинмоқда.

Муҳокама давомида ҳар қан-

дай авария ортида инсон тақдири тургани, бундай ҳодисалар инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга ҳамда иқтисодиётга жиддий зарар етказиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида эса “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигига доир талаблар, уларни баҳолаш тартиби ва хавфсизлик талабларига мувофиқлик презумпциясига оид нормалар мустаҳкамланмоқда ҳамда ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар, дистрибьюторлар ва электрон тижорат операторларининг маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мажбуриятлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, бозор назоратини амалга ошириш, хавфли маҳсулотлар тўғрисида тезкор ахборот алмашиш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда, техник регламентларга қўйиладиган талаблар, мувофиқлики баҳолаш ва хабардор қилиш тартиби белгиланмоқда.

Қўмита мажлисидан сўнг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун ирригация ва мелiorация объектларини бетон-

лаштириш ҳамда реконструкция қилиш бўйича белгиланган ва-зифалар ижроси устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда сув ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, канал ва коллектор-дренаж тармоқларини реконструкциялаш, ирригация объектларини бетонлаштириш орқали сув тежовчи механизмларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ва бу борада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг назорат функцияси муҳим роль ўйнайди.

Семинар давомида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мазкур йўналишдаги назорат ваколатларини самарали амалга ошириш, ҳудудлардаги лойиҳалар ижросини тизимли мониторинг қилиш, мутасадди ташкилотлар ҳисоботларини эшитиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўриш масалалари эътибор марказида бўлди.

Шунингдек, иштирокчиларга ирригация ва мелiorация объектларида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ҳамда реконструкция ишларининг сифати ва муддатлари устидан депутатлик назоратини кучайтириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Анжуман мавзуси:

ХИТОЙ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ

Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида Марказий Осиё давлатлари парламентлари аъзолари учун қонунчилик органларининг замонавий тараққиёт жараёнларидаги ўрни ҳамда Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари Анвар Тўйчиев ва Жамила Бобоназарова, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Сайдулло Азимов ва Зебини-со Раҳмонова Ўзбекистон делегацияси таркибидеа иштирок этди.

Анжуман доирасида сенаторлар ҳамда депутатлар дастлаб Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган очик, амалий ва прагматик таъши сиёсат, мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий ташаббуслари ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган демократик, иқтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар ҳусусида атроф-лича маълумот берди.

Семинарда парламентларнинг минтақавий ҳамкорлигини ривожлантиришдаги ўрни, давлатлараро келишувларнинг самарали ижросини таъминлаш, парламент назорати механизмларини такомиллаштириш

ва қонунчилик соҳасида ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, иштирокчилар халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш амалиёти, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтиришга доир фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашди.

Семинар доирасида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси ўринбосари Шоҳрат Закир ҳамда Марказий Осиё давлатлари парламент делегациялари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Парламент аъзолари ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, шунингдек, “Хитой — Марказий Осиё” формати доирасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

ЁШ МУТАХАССИС ВА ОФИЦЕРЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ҳар йилнинг июнь-июль ойларида мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа соҳаларига ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида битирув маросимлари бўлиб ўтди.

Тадбир

Куни кеча “ЖАР” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсантларининг битирув маросими ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари, Ички ишлар вазирлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Маросимда сўз олганлар мамлакатимизда ички ишлар органлари учун замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга, Ватанга садоқатли ва халқ оқсоқшислиги йўлида фидокорона хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маълум қилинишича, жорий йилда Академияни 900 нафар курсант муваффақиятли тамомлаган бўлиб, уларнинг қарийб 100 нафарини қизлар ташкил этади. 33 нафар курсант имтиёзли дипломга сазовор бўлди, 2 нафар битирувчига эса муддатидан олдин катта лейтенант махсус унвони берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетига ҳам ёш офицерларнинг наватбадги битирув маросими бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари, Мудофаа вазирлиги, Ҳарбий прокуратура масъуллари, профессор-ўқитувчилар, фахрийлар ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбир давомида ёш офицерлар Ватан ҳимояси йўлида садоқат, мардлик, интизом ва юксак масъулият билан хизмат қилишга қадридли. Университетни имтиёзли тамомлаган битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Ҳар икки маросим мамлакатимизда хавфсизлик ва мудофаа соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлиб, ёш мутахассислар ва офицерларнинг мушакил ҳаёт ҳамда масъулиятли хизмат фаолиятига қадам қўйишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирлар миллий ва ҳарбий руҳдаги бадийи чиқишлар, куй-қўшиқлар ҳамда битирувчиларнинг тантанавор марши билан аяунланди.

«Халқ сўзи».

АЖРАЛИШЛАР НЕГА КАМАЙМАЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Маҳкаммовага мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Парламент сўрови

Муҳокама давомида парламент сўровида қўтарилган 8 та устувор йўналиш бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, масъул ташкилотлар ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида республика бўйича 200 дан ортиқ туман ва шаҳарларда Оила ва хотин-қизлар масканлари ташкил қилинган. Уларда никоҳланувчи ёшлар учун махсус ўқув курслари йўлга қўйилиб, низоли ва ёш оилаларга оилавий маслаҳат ҳамда таълим дастурлари тақдим этилмоқда. Утган йил давомида мазкур масканлар томонидан 523 мингдан ортиқ хизматлар кўрсатилган бўлиб,

168 мингдан зиёд ёшлар оилавий ҳаётга тайёрлаш курсларида иштирок этган.

Шунингдек, оила институтини илмий-амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти томонидан “Масъулиятли ота-оналик”, “Бахтиёр оила” ҳамда “Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш” электрон платформалар ишга туширилди. Ушбу платформалар орқали аҳолига оилавий муносабатлар, тарбия, миллий қадриятлар ва халқаро таърибага оид маълумотларни онлайн олиш имкони яратилди.

Никоҳдан ажралишлар статистикаси, ажримлар динамикаси ва бу борада амал-

га оширилаётган профилактик чора-тадбирлар таҳлилига кўра, республикада ажралишлар сонининг ўсиш тенденцияси сақланиб, айрим ҳудудларда ушбу кўрсаткич юқори даражада экани қайд этилди.

Қўмита аъзолари оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, эрта никоҳга қарши курашиш, медиация механизмларини кенг жорий этиш ҳамда қонунчилиқни такомиллаштириш масалалари юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокамада никоҳ ёшени қисқартиришнинг ҳуқуқий асослари ва мезонларини аниқ белгиллаш, никоҳ ёшига етмаган шахслар билан диний никоҳ маросимлари ўтказишнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги айрим ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш зарурлиги айтилди.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ДЕМАК

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча гушаларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам катта янгиланишлар, ўзгаришлар рўй бермоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, рўзғори ва дастурхони тўқинлигида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг 23 июнь куни Наманган вилоятига ташрифи мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий самаралари билан яқиндан танишиш, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлидаги устувор вазифаларни белгиллаб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ташрифининг асосий нукталаридан бири Наманган халқаро аэропортида барпо қилинаётган янги йўловчи терминали қурилиши билан танишиш бўлди. Чунки бугунги кунда замонавий транспорт ва логистика инфратузилмаси ҳар қандай давлатнинг иқтисодий рақобатдошлигини белгиллаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, халқаро аэропортни кенгайтириш лойиҳаси нафақат вилоят, балки бутун Фарғона vodiysининг иқтисодий ривожланиши учун стратегик аҳамият касб этади.

Айниқса, замонавий карго терминалининг ташкил қилиниши Фарғона vodiysида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташки бозорларга тез ва самарали етказиб бериш имкониятини кенгайтиради. Натижада экспорт салоҳияти ошиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги мустаҳкамланади. Аэропорт инфратузилмасининг ривожланиши эса юзлаб янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари чорвачилик, паррандачилик ва интенсив боғдорчилик соҳаларида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан ҳам танишди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий аҳамияти шундаки, улар озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалигида юқори самарадорликка эришиш, ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга имкон беради.

Ишлаб чиқаришнинг замона-

вий технологиялар асосида ташкил этилиши маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бу каби лойиҳалар мамлакатимиз аграр соҳасини модернизация қилиш ва қишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Янги Наманган шаҳрида IT-парк қурилишига тамал тоши қўйилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект глобал иқтисодий ривожланишнинг асосий драйверларидан бирига айланиб бормоқда. Шу боис мазкур лойиҳа нафақат вилоят, балки мамлакатимиз рақамли иқтисодиётининг келажақдаги ривожланиши учун стратегик аҳамият касб этади.

IT-паркнинг барпо қилиниши ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, юқори даромадли иш ўринлари яратиш ва интеллектуал маҳсулотлар экспортини кенгайтириш имконини беради. Айниқса, аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган вилоят учун бу лойиҳа инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Замонавий IT хизматлари ва стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан хорижий инвесторлар учун ер муносабатларига оид ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.



Депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан чет эл субъектларининг ер участкаларига доир ҳуқуқлари Ер кодексига алоҳида доб сифатида мустаҳкамланмоқда. Унга кўра, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларидан, асосан, ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиши белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини 49 йил муддатга ижарага бериш, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан эса бел-

гиланган тартибда иккиламчи ижара асосида фойдаланиш тартиби аниқлаштирилмоқда. Ушбу янгиланган давлатнинг ер ресурсларини устидан стратегик назоратини сақлаб қолишга, инвесторлар учун ҳуқуқий аниқлик ва барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, ер ҳуқуқларини автоматик тарзда ижара ҳуқуқига ўзгартриш тартибининг аниқ ва шаффоф ишлаши таъминлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларида ҳуқуқий бўшлиқларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Равшан МАМУТОВ, қўмита раиси:

— Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳасини соҳа мутахассислари билан атрофчила муҳокама қилдик. Мазкур ҳужжат ер муносабатларида шаффофлиқни таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш, амалдаги ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш, ер участкаларига нисбатан инвестициявий жозибадорлиқни ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилиши билан аҳамиятlidir.

Мунозаралар давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган тақлифлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.



ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ЎТГАН ТОВАРЛАРНИ СОТИШГА ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси яроқлилик муддати ўтган ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда товарларни реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрламоқда.

Қўмита тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказган ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар томонидан берилган барча тақлифлар атрофчила кўриб чиқилди.

Айтилганидек, мазкур ҳужжат ис-

теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, товарларнинг яроқлилик муддатига оид талабларга қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган. У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилимоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасида назарда тутилган айрим нормалар юзасидан қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар билан мувожаз қилди. Шу билан бирга, лойиҳани янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий жиҳатдан пухталлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан билдирилган тақлифлар асосида янада такомиллаштирилади.

Галия РАЙХАНОВА, қўмита аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади — аҳоли ҳаёти ва саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Лойиҳада яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилган шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализацияси билан шуғулланиш ва сотиш мақсадида қабул қилганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жазималар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасида назарда тутилган айрим нормалар юзасидан қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар билан мувожаз қилди. Шу билан бирга, лойиҳани янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий жиҳатдан пухталлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан билдирилган тақлифлар асосида янада такомиллаштирилади.



«Халқ сўзи».



ҳудуд иқтисодиётида юқори қўшилган қиймат яратувчи янги тармоқлар шаклланади.

Ташриф давомида вилоятда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Янги саноат қувватлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилма объектларининг ишга туширилиши Наманган вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятlidir. Бу, ўз навбатида, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга замин яратади.

Дилмурод АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АҚШдаги ўзбек диаспорасини жипслаштириш, ватандошлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида иккита — «Vatan New York» ва «Vatan New Jersey» номли янги минтақавий тузилма ташкил этилди.

ҲАРОРАТЛИ БАҲС ҲАЯЖОНЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Португалияга қарши ўйин ўтказди

Ҳар гал мундиал бошланганида, «Қайси давлатга мухлислик қиласан?», «Қайси жамоага ишқибозсан?» деган саволлар гирдобиди қолар ва аччиқ алам қуршовида ҳавас ва ҳасрат билан чемпионатни кузатар эдик. Аммо бу сафар бегоналарга мухлислик қилмаямиз!

«Жаҳон чемпионати — 2026»

Орзулар орзулигича қолмади... Ўзбекистон миллий терма жамоаси бугун мундиалда.

Жонажон Ватанимиз жамоаси АҚШ, Канада ва Мексикада ўтказилаётган 2026 йилги жаҳон чемпионатидаги илк ўйинини ўтказди. Давлатимиз байроғи яшил майдон узра ёйилиб, қадрдон мадҳиямиз янгради. Чексиз гурур, беҳад ифтихор...

Биринчи ўйинда жамоамиз гарчи 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса-да, футболчиларимизнинг мундиал ҳароратини ҳис қилиши ва тажриба тўплаши нуктаи назаридан ёмон бўлмади, назаримизда.

Муҳими, биринчи ўйин ва биринчи гол бор! Ўзбекистоннинг жаҳон чемпионатидаги биринчи голи Аббосбек Файзуллаев номига ёзилди... Биринчи ўйин, биринчи гол ва биринчи рекорд тарихга муҳрланди. Аббосбек жорий мундиалда иккита муҳим рекорд ўрнатди. 167 см. бўйи билан жаҳон чемпионатлари тарихида бош билан гол урган энг паст бўйли футболчига айланди. Шунингдек, энг тезкор футболчи сифатида ҳам рекорд ўрнатди. Ҳамюртимиз биринчи турда энг юқори тезликка эришиб, соатига 36 км. натижа қайд этган футболчи сифатида тан олинди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда юртимизда футболга эътибор ортди ва бир қанча ҳужжатлар имзоланди. 2018 йилда 2018 — 2022 йилларда футболни янада ривожлантириш дастури, 2019 йилда Президентимизнинг Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан

фармони ҳамда 2023 йилда оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришга оид қарори имзоланди. Асосийси, футбол соҳаси порахўрлик, тамағирлик, таниш-билишчилик каби иллатлардан тозаланди.

Мана, инкилобий ва тизимли ислохотлар натижаси ўлароқ шу кунларда Шимолий Американинг яшил майдонларида Ўзбекистон номи такрор ва такрор янграмоқда. Футболчиларимизга дунёнинг машҳур клубларидан харидорлар кўпаймоқда.



2010 йили ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" интеллектуал-кўнгилочар ўйинидаги бир лавҳа ҳали кўпчилиكنинг ёдида бўлса керак. Унда бир жамоа Ўзбекистон ва Португалия учрашуви саҳнага олиб чиқиб, ҳажв қилган эди. Энди, ўша пайтларда бу чиндан ҳам фантастик воқеа ва кулги уйғотувчи мотив эди-да.

Орадан 16 йил ўтди. 23 июнь оқшомида мана шу икки жамоа мундиалда ҳақиқатан ҳам куч синашди. Бир пайтлар миллионлаб пул тўлаб Ўзбекистонга олиб келинган, барча даврларнинг энг яхши футболчиларидан бири ҳисобланган Кристиану Роналду унинг ўйинларини кўриб улгайган йигитларга қарши майдонга тушди.

Жаҳон чемпионатининг "К" гуруҳидаги 2-тур баҳсида Ўзбекистон ва Португалия ўзаро баҳс олиб борар экан, ҳар икки жамоа учун ҳам бу учрашув нафақат гуруҳдаги ўрнини, балки мундиалдаги кейинги имкониятларини ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Шу сабаб беллашув шиддатли кечиши, унда ҳар икки жамоа аъзолари ҳам бор кучи билан курашиши аниқ эди.

Ўйин, қутилганидек, Португалия терма жамоасининг кескин ҳужумлари билан бошланди. Терма жамоамизнинг Абдуқодир Хусанов бошчилигидаги ҳимоя чизиги рақиб босимида бардош беришга интилди. Бироқ ҳисоб биринчи "декада"да Кристиану Роналду томонидан очилди. 17-дақиқада жарима майдончаси яқинида жарима тўлини Нуно Мендеш аниқ ижро этиб, иккинчи голга муаллифлик қилди.

Шундан сўнг миллий жамоамиз ўйинда ташаббусни кўлга олиш ҳаракатига тушди. Португалия дарвозасига биринчи аниқ зарба йўлланди. Тўпга эгалик



қилишда устунлик ва рақиб дарвозаси атрофидаги узлуксиз ҳавфли вазиятлар натижа берди. Аммо учрашув ҳақами Жалал Жайед қарорига асосан, қоида-бузарлик сабаб футболчимиз Азиз Фаниев киритган гол ҳисобга олинмади. Рақибларнинг қарши ҳужуми эса 39-дақиқада Роналдунинг дубли билан якунланди. Португалия — Ўзбекистон ҳисоб — 3:0.

Биринчи бўлимга қўшиб берилган дақиқада Роналдунинг дарвозамизга йўналиштирилган аниқ зарбасини Хусанов моҳирона қайтарди, у жамоани яна бир голдан қутқарди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳар иккала жамоа ҳам захира ўйинчиларини майдонга туширди. Мураббийлар таркибни янгиллаб, ўйинга янги куч киритди. Тезлик ва кураш янада ортган майдонда футболчимиз Аббосбек Файзуллаев ҳавфли вазият яратди. Аммо 60-дақиқадаги қарши ҳужумларнинг бирида бурнақдан узатишган тўп дарвозамиздан жой олди. Автогол миллий жамоамиз аъзоси Абдувоҳид Нейматов номига ёзилди...

Учрашувнинг охириги "декада"сида Португалия ўйинчиси Рафаэл Леау ҳам ўз номини таблога ёздириб қўйди — ҳисоб 5:0.

Тўғри, терма жамоамиз бу учрашувда ҳам мағлубиятга учради. Аммо му-

собаканинг кейинги босқичига чиқиш учун ҳали имконият бор.

Роберто Мартинес бошчилигидаги Португалия таркибида жаҳон футболи юлдузлари жамланганини эътиборга олиш керак, албатта. Кристиану Роналду, Бруну Фернандеш, Бернарду Силва, Витинья, Рубен Диаш каби футболчилар ҳар қандай рақиб учун жиддий ҳавф тугдирмай қолмайди. Турнир олдидан кўпчилик мутахассислар Португалияни нафақат гуруҳ ғолиблиги, балки чемпионлик учун ҳам даъвогарлар қаторида кўрсатгани бежиз эмас, ахир.

Фабио Каннаваро мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси баҳсда мағлуб бўлганига қарамай, муайян вақтларда тартибли ва ушқоққ ўйин намойиш этгани билан эътирофга сазовор. Гарчи, Португалия футболчилари тўп назорати ва яккама-якка курашда маҳорат бўйича устунликка эга бўлса-да, ўзбекистонлик ўйинчилар жамоавий ҳаракат, интизом ва курашувчанликка суянди. Аммо рақиб жамоасининг қатор мундиалларда тўплаган тажрибаси барибир ўз сўзини айтди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳдаги навбатдаги ўйинини 28 июнь куни Конго миллий терма жамоасига қарши ўтказди.

Халқимизнинг узоқ йиллик орзусини орқалаб, уммон ортига бориш учун жисмоний имкониятнинг ўзи камлик қилди. Муҳими, ФИФА рейтингиди 9-ўринда турган ва ўз тарихида 9-март мундиалда иштирок этаётган Португалия миллий терма жамоасига қарши йигитлар мардона ўйин кўрсатди. Жаҳон чемпионати эса қутилмаган воқеаларга бой. Демак, миллий футболимиз ривожига ўзига хос тарих яратган йигитларимизда ҳали умид бор. Энди улар 3-тур ўйинларига пухта ҳозирлик қўради. Футбол мухлисларига ёзнинг қайноқ ҳароратига монанд ҳаяжонларни тўхфа қилишда давом этади.

Оттабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР

Маҳаллада зиё маскани

Бағдод туманидаги "Чува-ланчи" маҳалла фуқаролар йиғинида Фаргона давлат университети талабаси Нигорахон Абдуллажоновна бошчилигидаги бир гуруҳ йигит-қизлар ташаббуси ва сайёҳаракати билан маҳалла кутубхонаси ўз фаолиятини бошлади.



— Зиё масканида "Book Cafe" ҳамда хорижий тиллар тўғраги ҳам йўлга қўйилади, — дейди Н. Абдуллажоновна. — Мақсад маҳалламиз ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, замонавий билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Бу уларни ижтимоий тармоқларда ҳудуд-беҳудуга вақт йўқотишдан асрайди. Келажак учун муҳим вазифаларни аниқ белгилаш ва шунга муносиб ҳаракат қилишга ундайди.

Бағдод тумани ҳокимлиги масъуллари ҳувалянчилик ёшларнинг ташаббусини кўллаб-қувватлаб, кутубхонага янги китоблар олиб келди. Шу маҳалладан олий таълим муассасаларида ўқиётган ва яхши натижаларга эришяётган талабаларга совғалар тўхфа этилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўрик данагидан 100 минг туп кўчат

Пешку туманидаги Валфажр маҳалласида яшовчи уста Богбон Ўткир Толибов хориждан келтирилган "Рубица" ҳамда ўзимизнинг "Қодирия" навли ўрикларни ёввойи ўрик кўчатларига қатиштириш орқали серхосил ва совуққа чидамли нав яратишга муваффақ бўлди.



— Хабарингиз бор, баҳор серёгин келди, — дейди Ў. Толибов. — Ўрик айни гуллаган пайтда эса ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетди. Оқибатда дарахтар совуқдан жиддий зиён кўрди. Одамлар ҳатто "Бухорода бу йил ўрик тақчил бўлади" дея хавотирга тушгани ҳам бор гап. Буни қарангки, ҳўжалигимиздаги "Рубица" ва "Қодирия"га қатиштирилган кўчатларига совуқ зарар етказолмади. Улар серхосиллиги, экспортбонлиги, узок масофага чидамлилиги, йириклиги, серсувлиги ҳамда совуққа бардошлилиги билан бошқа навлардан ажралиб турибди.

Маълумотларга қараганда, асл келиб чиқиши Франция бўлган "Рубица" навли ўрик бошқаларига нисбатан хийла кеч гуллайди. Унга маҳаллий навинг қатиштирилгани кўчатнинг ташқи таъсирларга бардошлилигини оширган бўлса, ажаб эмас.

Ўткир Толибовга келсак, уни изланувчан богбон сифатида юртимизда яхши билишди. Бу фидойи инсон ҳўжалигидаги 10 гектар майдоннинг бир гектарида ўрикнинг ўнга яқин навларини данагидан кўпайтириб келмоқда. Богбон кузда 100 минг туп мевали кўчатни деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, томорқачилар ҳамда корхона-ташкилотларга етказиб бериш ниятида.

Истам МБРОХИМОВ
(«Халқ сўзи»).

БОЛАЛАР БЎШ ВАҚТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗМОҚДА?



Айни йўналишдаги ишлар Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан тизимли равишда мувофиқлаштирилиб, барча шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Хусусан, болалар соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш ва ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида республика штаби, ҳудудий штаблар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан мавсумнинг бориши доимий мониторинг қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, охириги тўққиз йилда Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан юртимизда стационар турдаги 14 та замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилги мавсумда оромгоҳларда жами 314 155 нафар болажонни дам олдириш ва соғломлаштириш кўзда тутилган.

Шу йил 23 июнь ҳолатига республика бўйича жами 1 390 та, жумладан, 148 та стационар ҳамда 1 242 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Стационар оромгоҳларда 62 577 нафар ҳамда кундузги оромгоҳларда 105 953, жами 168 530 нафар бола соғломлаштирилмоқда.

Жорий йилги мавсум 1 июндан бошланган бўлса, айни кунда мамлакатимиз миқёсида фаолият қўрсатаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизларнинг мароқли дам олиши билан бир қаторда, уларнинг маънавий, интеллектуал ва ижодий ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Ўрмонбекова. — Хусусан, оромгоҳларда болаларнинг бўш вақтини мазмун-

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ҳамда жисмоний камолоти билан боғлиқ барча соҳада тизимли ислохотлар амалга ошириляпти. Мазкур жараёнларга ҳамроҳ равишда ёнги таътил даврида болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича олиб бориляётган ишлар кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ёнги таътил

ли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидида болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти томонидан ишлаб чиқилган 12 кунлик намунавий дастур амалга ошириляпти.

Оромгоҳларда болаларнинг қизиқиши ҳамда истеъдодларини ривожлантиришга қаратилган "Робототехника", "Еш муҳандис ва ихтирочилар", "Лего", "Қубик-рустик", "Караоке", "Кулолчилик", "Китобхончилик", "Медиа", "Чет тили", "Қўғирчоқ театри", "Биссерлик, тўқиш ва зардўзлик" каби замонавий ҳамда қизиқарли клуб ва тўғарақлар ташкил этилган. Ҳар бир тўғарақ учун зарур жиҳозлар, кўргазмалар воситалар ва машғулот ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Шу билан бирга, ҳар бир болага махсус форма, яъни кийим-бош тўплами тақдим этилиши ҳам йўлга қўйилди. Ушбу тўплам футболка, шортик ва кепкадан иборат бўлиб, болаларда жамоавийлик ҳиссини мустаҳкамлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш ва оромгоҳ муҳити янада жозибадор бўлишига хизмат қилаётди.

Болаларнинг хавфсизлиги — энг асосий вазифа. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир оромгоҳга Миллий гвардия, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, коммунал соҳалар вакиллари масъул қилинган. Шунингдек, ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилди.

Қолаверса, ўғил-қизларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш мақсадида ҳар бир оромгоҳга малакали табиёт ҳодимлари бериштирилди. Ўғил-қизларнинг, болаларнинг овқатланиш рақибини бойитиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор янгиликлар жорий қилинди. Хусусан, таомномаларда дармондориларга бой таомлар, дамлама ва салатлар турлари

кўпайтирилди. Бундан ташқари, болаларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш мақсадида болалар диетологлари томонидан махсус таомномалар ишлаб чиқилди. Замонавий аутсорсинг хизматлари жалб этилиб, тайёрланаётган таомлар сифати мунтазам назорат қилиб бориляпти.



Ўғил-қизларнинг мазмунли дам олиши, аввало, малакали педагоглар ва тарбиячилар фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис жорий йилги мавсумга тайёргарлик ишларида 1 336 нафар педагог кадр сараланди. Федерация тасарруфидидаги департамент томонидан оромгоҳлар фаолиятини самарали юритиш мақсадида 5 номдаги услубий кўлланмалар ишлаб чиқилиб, оромгоҳларга етказилгани айни мўддао бўлди. Кутубхона фондлари Президентимиз асарлари, болалар ёшига мос бадий адабиётлар, энциклопедиялар, бадий ва маърифий китоблар, журнал ва рисоалар билан бойитилди.

Мавсумни юқори савияда ташкил этиш



билан бир қаторда, оромгоҳлар фаолиятини доимий ўрганиб бориш, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш мақсадида махсус ишчи гуруҳлар тузилган. Улар мавсум давомидида оромгоҳларга чиқиб, уларнинг фаолияти, табибий хизмат сифати, озик-овқат таъминоти, санитария ҳолати ва маданий-маърифий тадбирларнинг савиясини ўрганиб боради ҳамда аниқланган камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилади.

Бу йилги мавсумда яна бир муҳим янгилик амалиётга таътиқ қилинди. Гап шундаки, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг реестрга киритилган оилаларнинг аъло баҳо-ларга ўқийдиган фарзандларини Федерация тизимидаги оромгоҳларда бепул соғломлаштириш тартиби жорий этилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда бундай имтиёздан 43 мингдан зиёд болажонлар фойдаланади. Ушбу ташаббус ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодий ёшларни кўллаб-қувватлаш ва ҳар бир боланинг сифатли дам олишига эришиш учун ҳисса қўшади. Бундан ташқари, қатор оромгоҳларга йўланма

наркининг 50 фоизи компенсация тарзида тўлаб берилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини моддий-маънавий кўллаб-қувватлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, оилавий болалар ўйлар тарбияланувчилари бепул дам олдирилиб, соғломлаштирилади. Касабаси уюшмалари томонидан меҳнатқашлар фарзандлари жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда болаларни ёнги соғломлаштириш мавсумига пухта ва ушқоқлик билан тайёр-гарлик қўрилди. Бу юртимизнинг "олтин фонд" — ўғил-қизларимизнинг мароқли хордиқ чиқариб, саломатликлари мустаҳкамлаш, пировардида таътилни мазмунли ўтказишига замин яратди. Зеро, шу асос Ватан ардоғида қамолга етган ёш авлод ғамхўрликдан руҳланиб, мамлакатимиз эришяётган ютуқлар салмоғини янада оширишга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини бундан-да юксалтиришга интилиши, шубҳасиз.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Давлат органлари ва ташкилотлари, ҳудудлар ҳамда соҳалар кесимида коррупция даражасини аниқлаш ва уни минималлаштириш мақсадида коррупцияга оид хавф-хатарлар ҳаритаси шакллантирилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатда маълумотларини қўлаб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаб-қилимлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқуллов.

Мусаҳҳиш — Ш. Машраббеов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6